

Tibbiyot insonni, veterinariya insoniyatni davolaydi

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-ommabop  jurnal

2016

4

апрель

ISSN 2091-554-3

3-бет

Етакчилик – ўрناق

бўлиш демак

17-бет

Бузоқларни

хасталиқдан

асрайлик

23-бет

Чақмасидан олдин

кана, кўринг

эҳтиёт чора

27-бет

“Ўзнаслчилик”:

насли мол –

кони фойда

39-бет

Оғуми ёки

малҳам?

42-бет

Туя боқинг,

барака топинг

43-бет

“Тано” мўъжизаси

Ўзбекистон Республикасининг
янги тахрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги
Қонуни ветеринария хизматини янги поғонага
кўтаришга хизмат қилмоқда.



Таҳрир хайъати раиси

Б. Сайиткулов – в.ф.н.

Таҳрир хайъати:

- Ш. Акмалхонов – академик
- Ж. Азимов – академик
- С. Азимов – профессор
- Р. Давлатов – профессор
- Н. Йулдошев – в.ф.н.
- И. Маматкулов – профессор
- У. Носиров – профессор
- Қ. Норбоев – профессор
- Б. Норқобилов – ДВББ
- А. Орипов – профессор
- Ҳ. Салимов – профессор
- Б. Салимов – профессор
- Х. Сапаров – т.ф.н.
- Ш. Умаров – қ.х.ф.д.
- Н. Бобоқулов – профессор
- С. Юсупов – профессор
- А. Қахаров – профессор
- И. Хушвақтов – қ.х.ф.н.
- Д. Ёрматова – профессор
- Ш. Жабборов – в.ф.н.
- Д. Абдураимов – ЧМИЧУ
- Х. Ниёзов – в.ф.н.

Муҳаррир (ўзбек тили):

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Муҳаррир:

Мактуба МУМИНОВА

Масъул котиб.

Муаттар ДАДАЖОНОВА

Мусаҳҳиҳ

Гулсара САИДҚУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси

Муассислар

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси,
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши,
«AGROZOOVETSERVIS» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 31 декабрда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Халқобод 4-тор, 4-уй
Тел.: + (99895) 170-22-35 (0371) 234-77-22

Web-сайт: www.vetjournal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4900.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 11.04.2016.

Бичими 60x84^{1/4}. Офсет усулида чоп этилди. 6,0 б.т. Буюртма № 324

Баҳоси келишилган нархда.

© Zooveterinariya, #04 (101) 2016

G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaхонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86-уй.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Ташаббускорлик

- Н.Алиқулов – Етакчилик – ўрناق бўлиш демак 3
- А.Алиқулов – Беарволикка ўрин қолмасин 4

Тадқиқот ва тақлиф

- У.Носиров ва б. – Пахта, ғалла ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларини шакллантиришнинг илмий ғоялари, амалий услублари ҳамда заруриятлиги 6

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юқумли касалликлар

- С.Шабунин ва б. – Сигирларнинг маҳсулдорлик даражасига бактериял ва вирусли инфекцияларнинг патологик таъсирлари 11

Паразитар касалликлар

- А.Ғафуров ва б. – Th. Aplulata нинг морфологик, биологик, патогенлик хусусиятларини ўрганиш ва вакцина ишлаб чиқариш учун яроқли штамм ажратиш 15

Юқумсиз касалликлар, морфология

- Б.Эшбўриев ва б. – Бузоқларда юқумсиз касалликларнинг сабаблари ва асосий турлари 17

Фармакология ва токсикология

- Ю.Салимов ва б. – Сунъий пиретроидларнинг токсикометрик кўрсаткичлари ва улар таъсиридаги ўзига хос хусусиятлар 19

Зоогиена, ветеринария-санитария, экология

- Я. Маслянов – Что изучает экология? 21

Истиқлол қалдирғочлари

- А.Эргашев – Чсхрасида меҳри, юрагида ўти бор аёл 22

Зооинтроноз касалликлар

- А.Эргашев – Канадан оғоҳ бўлинг! 23

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

- У.Н.Носиров ва б – “Ўзнаслчилик” қорхонасига импорт қилинган қизил-ола голштин ва қизил-ола симментал зотли наслдор ёш буқаларнинг генотипик сифатлари ҳамда насл тоифаси 25
- А.Алиқулов – “Ўзнаслчилик”: Наслли мол – қони фойда 27
- С. Юсупов ва б. – Жайдари зотли қўйларни яйловда боқиш ва қўзи гўшти стиштиришнинг айрим технологик хусусиятлари 30
- Ф.Саримсоқов – Бугунги ҳаракат, келтирар баракат 32

Қоракўлчилик

- Н.Йулдошев – Қоракўлчилик хўжалиқларида гельминтозларга қарши курашиш чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари 33

Паррандачилик

- Кормление кур 35
- В.Диев – Ўзбекистоннинг рынок: импорт соқрашаётган, экспорт растёт 36

Озуқа, биологик фаол моддалар

- Продуктивность домашней птицы, и КРС конверсия корма 37
- Ш.Маматимшинов ва б. – Калифорния қизил чувалчанги: хосияти беқиёс 38

Асаларичилик

- О.Омонов – Оғуми ёки малҳам? 39

Пиллачилик

- Б.Насириллаев ва б. – Ипак қуртининг янги “Линия 27” ва “Линия 28” тизимларининг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлик хусусиятлари 40

Тавсия

- Н.Йулдошев, Б.Сайиткулов – Туя боқинг, барақа топинг 42

Қуринг, ибрат олинг

- Н.Эргашев – “Тано” мўъжизаси 43

Муштарий минбари

- К.Қобилов, Н.Алиқулов – Бўш келманг, Алиқулов 45

Уюшма минбари

- Хотира – муқаддас туйғу 46
- Эзгуликнинг умри боқий 46
- Нафакани ўйламанг, Раҳматулла ака 47
- Меҳнатда тобланган ветврач 47

Ақл чархи

- Чайнкроссворд 48

мида асосан бир жойда сакланиши, улар учун фаол мацион ва кўёш нурларининг этишмаслиги, рационлар тури, таркиби ва тўйимлилиги бўйича сигирлар организмнинг тўйимли ва биологик фаол моддалар, макро ва микроэлементларга нисбатан эҳтиёжларини тўлиқ қондирмаслиги, рационларнинг оксилли ва энергетик жиҳатдан номуаносиблиги, канд-оксил ва фосфор-кальций нисбатларининг пастлиги оқибатида бўғоз сигирларнинг модда алмашинуви бузилишлари билан касалланиши асосий этиологик омиллар ҳисобланади.

2. Бўғоз сигирларнинг витаминлар ва минерал моддалар, асосан микроэлементлар этишмаслиги билан касалланиши улардан нимжон, организм табиий резистентлиги паст ва физиологик жиҳатдан тўлақийматли бўлмаган (гипотрофик) ҳамда диспепсия, бронхопневмония, рахит, алиментар анемия каби хазм ва нафас тизими ҳамда модда алмашинуви бузилиши касалликларига мойиллиги юқори бўлган бузоқларнинг туғилиши ва уларнинг кучли даражада ўсиш, ривожланишдан қолишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных. М.: ООО «Аквариум-Принт», 2005. С-652-653.
2. Методы ветеринарной клинической лабораторной диагностики: Справочник/ под ред. проф. И.П.Кондрахина. М.: Колос, 2004. 520 с
3. Севрюк И.З, Макаринович Г.Ф, Германович Н.Ю, Николадзе М.Г, Диагностические тесты для выявления метаболических нарушений у глубокопастельных коров (Остеодистрофия, Ацидоз) // Реферативный журнал - Ветеринария, 2000, - №2. С.10.
4. Шарабрин И.Г., Кондрахин И.П. Рекомендации по проведению комплексной диспансеризации крупного рогатого скота.- М.: МВА, 1980. С. 1-32.
5. Мозжерин В.И. Профилактика ранних постнатальных заболеваний и лечение новорожденных телят / В.И. Мозжерин, Н.Г. Фенченко, В.Р. Хусаинов // Ветеринария. – 2006. №1. 48-49.

УДК: 619: 636.3:615.9

Ю.Салимов, доцент, А.Умаров, магистр, И.Салимова, магистр, СамКХИ

СУНЬИЙ ПИРЕТРОИДЛАРНИНГ ТОКСИКОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Аннотация

В статье даны токсикометрические показатели современных синтетических пиретроидов, применяемых в ветеринарии Узбекистана. А также дана оценка их механизма токсического действия, на организм животных и птиц.

Калит сўзлар: синтетик препаратлар, токсикометрия, ЛД 50, циперметрин, суми-алфа, циракс, циостомозан, каратэ.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ижобий ҳал этишда кимёвий воситаларнинг (пестицидлар) ўрни муҳимдир. Улардан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларни турли зараркунандалардан химоя қилишнинг ишончли омилдир. Бу эса, ўз навбатида, ўсимликлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ҳамда экологик жиҳатдан улар сифати яхшиланишига замин яратади.

Жаҳон қишлоқ хўжалик амалиётида пестицидларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб топишган ва барча мамлакатлар томонидан эътироф этилган. Кимёвий воситаларни қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг хавфи юқумли ва инвазион касалликлари кўзгатувчилари бўлган бўғимоёқли зараркунандаларга қарши қўллаш улар соғлигини мустаҳкамлайди ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кўпайтиришга имкон яратади.

Summary

Toxicometrical defined parameters of modern synthetic pyrethroids, used in veterinary medicine in Uzbekistan. And given their assessment of the mechanism of the toxic effect on the organism of animals and birds.

Қишлоқ хўжалигини жадал кимёлаштириш атроф-муҳитнинг турли захарли моддалар билан ифлосланишига олиб келади. Бундай воситаларнинг асосий қисми ташқи муҳитга ҳаддан ташқари чидамли бўлиб, инсонлар, ҳайвонлар ва бошқа тирик организмлар учун жиддий хавф туғдиради. Шунинг учун ушбу ксенобиотикларни бутун дунёда, ҳар томонлама чуқур ўрганишлар натижасида баҳолаш ҳамда уларни қўллаш тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Сўнгги йилларда жаҳондаги барча давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ўсимликлар ва ҳайвонларни зараркунанда ҳамда касалликлардан химоя қилиш мақсадида ўзининг экотоксикологик ўлчамлари (кам мезёрда сарфланиши 50-200 г/га, жойларда кўчүвчанлигининг пастлиги, зараркунандаларга қарши таъсири юқори даражадаги биологик фаоллик, иссиқ қонли ҳайвонлар организми учун нисбатан кам захарлилиги ва хавфининг

Agro
consulting

пастлиги) бўйича ўзига хос ижобий хусусиятларга эга бўлган сунъий пиретроидлар гуруҳига мансуб пестицидлар (циперметрин, децис, перметрин, суми-альфа ва бошқалар) илгари маълум бўлган хлор, фосфор ва карбамит бирикмаларига нисбатан таққослаганда конг қўлланила бошланди.

Айни пайтда замонавий пестицидлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, уларни қўллаш қўлами ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 1999-2009 йиллар мобайнида “Навоий электркимё” заводида деҳқончилик ва ветеринария соҳаси эҳтиёжи учун 2140 тоннага яқин циперметрин, циракс, суми-альфа ва циперфос препаратлари ишлаб чиқарилган. Ушбу пиретроидлар ҳам бошқа таниқли пестицидлар қатори атроф-муҳит ва унда яшовчи барча тирик организмлар учун хавф туғдирадиган биологик фаол воситалар ҳисобланади.

Республикамизда ветеринария амалиотида қўллаш учун режалаштирилган, инсектоакарицид таъсир хусусиятига эга бўлган кимёвий воситаларни турлари бўйича таҳлил қилганимизда айни пайтда циперметрин, эктомин, эктопор, циракс, суперкиллер-Е, нео-стомозан, суми-альфа, суминак, фенкилл, циперфос, диазинон, диазон ва бошқа шунга ўхшаш препаратлардан иборат эканлигини кўрсатди. Аммо ушбу таркибнинг асосий қисмини НЭКЗда ишлаб чиқарилаётган циперметрин, циракс, суми-альфа ва циперфос препаратлари ташкил қилади. Шу сабабли тадқиқотларимизни дастлабки босқичида, юқорида санаб ўтилган инсектоакарицид препаратлар гуруҳига мансуб бўлган бир қатор замонавий пиретроидларнинг токсикологик хусусиятларини ўргандик.

Тадқиқотларимиз натижасида иссиқ қонли хайвонлар организми учун оғиз орқали юборилган пестицидларнинг захарлаш даражасидаги хавфли таъсирлари юқори эканлиги аниқланди. Уларни амалда қўллашнинг мақсадга мувофиқ меъёри куйидагича: каратэ – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=598$, $\text{ЎД}_{84}=802$, $\text{ЎД}_{50}=700$ (608:792); қоракўл қўйларига мувофиқ равишда 124, 226 ва 175 (101:249) мг/кг амалдаги таъсир этувчи моддаси бўйича; суми-альфа (Сумитомо Кемикал КО, Лта) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=333$, $\text{ЎД}_{84}=401$, $\text{ЎД}_{50}=367$ (336:398); қоракўл қўйларига – 59, 141 ва 100 (41:159); суперкиллер-Е (Жанубий Корея) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=882$, $\text{ЎД}_{84}=1018$, $\text{ЎД}_{50}=950$ (870:1030); нео-стомозан (Венгрия) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=4800$, $\text{ЎД}_{84}=9300$, $\text{ЎД}_{50}=7000$ (4980:9020); товуклар учун 780, 2140 ва 1480 (868:2092); қоракўл қўйлари учун – ЎД_{50} тахминан = 3000 мг/кг амалдаги таъсир этувчи моддаси бўйича; циперметрин (НЭКЗ, Ўзбекистон) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=1275$, $\text{ЎД}_{84}=1425$, $\text{ЎД}_{50}=1350$ (1261:1439); товуклар учун 582, 718 ва 650 (570:730); қўйлар учун мувофиқ равишда тахминан $\text{ЎД}_{50}=450$ мг/кг амалдаги таъсир этувчи моддаси бўйича; циракс (НЭКЗ, Ўзбекистон) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=1064$, $\text{ЎД}_{84}=1336$, $\text{ЎД}_{50}=1200$ (1039:1361); товукларга 432, 568 ва 500 (420:580); қўйлар учун тахминан $\text{ЎД}_{50}=400$

мг/кг таъсир этувчи модда бўйича; суми-альфа (Ўзбекистон) – қуёнлар учун $\text{ЎД}_{16}=332$, $\text{ЎД}_{84}=400$ (320:480); товукларга мувофиқ равишда 118, 282 ва 200 (103:297) мг/кг таъсир этувчи модда бўйича.

Олинган ушбу натижаларни Л.И. Мева ва бошқалар (1986) томонидан ишлаб чиқарилган кимёвий воситаларнинг захарлилик ва хавфли даражасини аниқлаш бўйича таснифига баҳолаганда, хайвон ва паррандалар учун юқори даражада захарловчи таъсир суми-альфа каратэ пиретроидларида, кам захарловчи таъсир хусусиятлари эса неостомозанда кузатилди. “Навоий электркимё” заводи препаратлари – циперметрин, циракс ва суми-альфа ўзларига ўхшаш хорижда ишлаб чиқарилган препаратларга нисбатан кам захарли эканлиги аниқланди. Пиретроидлар таъсирига қўйларнинг сезувчанлиги нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Айрим ҳолатларда пиретроидлар захарловчи таъсири бошқа турдаги хайвонларга (куёнларга) нисбатан кавш қайтарувчиларда 4 баҳо юқори бўлганлиги билан характерланди.

Олинган натижаларга кўра мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пестицидлар ўзининг токсикологик таъсир кўрсаткичлари бўйича хориждан келтирилган таъсир этувчи моддаларга анча устун эканлиги кўрсатилди. Бироқ ушбу препаратлар ҳам ўз вақтида инсектоакарицид фаоллиги билан бошқаларида таъсир қилмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аббасов Т.Г. Основы применения современных инсектоакарицидов в ветеринарии // Состояние проблемы и перспективы развития ветеринарной России / Сб. мат. науч. сессии РАСН. – М., 1999. – с.79-82.
2. Заика П.А. Токсико-гигиеническая оценка синтетических пиретроидов II типа лямбда-цигалов и циперметрина у кур: дисс. канд. вет. наук. – Харьков, 2000. – 150 с.
3. Захаренко В.А. Опасность пестицидов для водоемов, используемых для защиты растений // Сб. мат. науч. сессии РАСН «Состояние, проблемы и перспективы развития ветеринарной науки России» 1999. – Т.2. – с.93-94.
4. Медведь Л.И. и др. “Классификация химических веществ по их степени токсичности и опасности”.
5. Онищенко Г.Г. Гигиенические аспекты применения экологической безопасности при обработке пестицидами и агрохимикатами. // Гигиена и санитария. – 2003. – №3. – с.3-5
6. Салимов Ю. ва бошқалар. “Қишлоқ хайвонлари ва паррандаларни синтетик пиретроид билан захарланишларига ташхис қўйиш, даволаш олдани олиш бўйича услубий тавсиялар”. Тошкент, 2003.
7. Сафигуллин Р.Т., Касьян Е.Н. Распространение зитарных болезней жвачных животных, экономический ущерб и годовая программа применения препаратов вермифаза, цевамека и неостомозана. – М., 1998. – с.2-3
8. Юлдашев З.А., Попков В.А. Химико-токсикологическое исследование синтетических пиретроидов. – М.: Изд. Московского ун-та, 2006. – С 226.

хар
юр

хам
масл
ком
Ник
келг
Али
энг
гап
ўр”,
Сам
парр